



Абу Саъид ал-Худрий розияллоху анху ривоят қилған муттафакун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Қачон азонни эшитсангизлар, муаззин нима деса сизлар ҳам шуни айтинглар», дедилар.

□□□□□ □□□□□ : □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□  
□□□□□ : □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□  
□□□□□) □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□  
□□□□□).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Муовия розияллоху анху муаззин «Ҳайя алас-сола» деганда «Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ» деди ва: «Биз Пайғамбарингиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганмиз», деди.

Имом Бухорий Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким аzonни эшитган вақтда: «Ушбу комил даъватнинг ва ҳозир бўлган намознинг Парвардигори бўлган эй Аллоҳ! Мұҳаммадга «Васила» ва «Фазилат»



ато этгин. Уни Ўзинг ваъда қилган мақтovли мақомга чиқаргин» деса, қиёмат куни унга шафоатим вожиб бўлади», дедилар.

Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:  
«Муаззиннинг аzon айтотганини эшитсангиз, у айтотган калималарни айтинглар, сўнгра менга саловот айтинглар, чунки ким менга бир марта саловот айтса Аллоҳ унга ўнта саловот айтади, кейин Аллоҳдан менга “васила”ни сўранглар, зеро у жаннатдаги олий манзилат бўлиб, унга Аллоҳнинг бандалари ичидан фақат бир бандасигина етади. Ўша банда мен бўлишимни умид қиласман. Ким менга Аллоҳдан “васила” сўраса шафоатимга эришади», дедилар.

## Шарх:

Аллоҳ таоло азонни эшитган одамларга амалий суннатларни жорий қилиб, улуғ савобларни ваъда қилди. Ушбу суннатлар қуидагилар:

- а) аzonни эшитган одам муazzин айтаётган аzonни такрорлаши;
  - б) сүнгра Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламга саловот айтиши;

в) кейин азон дуосида у зотга Аллоҳ таолодан васила сўраши.

**Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Муаззин айтаётган аzonни такрорлаб туриш суннат.
2. Муаззин «Ҳайя алас-солаҳ» ва «Ҳайя алал-фалаҳ» деганида «Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ» дейилади.
3. Азондан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловот айтилади.
4. Аллоҳ таолодан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга “vasila” сўраб дуо қилинади.